

**Эшназаров Т.Ш.**

Тошкент Молия институти "Молия" кафедраси профессори, и.ф.д.

**Мансуров М.**

Тошкент түқимачилик ва енгил саноат институти "Менежмент" кафедраси ўқитувчиси

## ДАВЛАТ ҒАЗНАЧИЛИГИНИНГ ЯГОНА ҒАЗНА ҲИСОБВАРАГИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси ғазначилик тизими фаолият кўрсата бошлагандан буён ўтган вақт мобайнида давлат бюджети ижросини амалга ошириш Ўзбекистон ғазначилиги фаолиятининг асосий йўналишига айланиб, бюджет маблағларини янада сифатли ва самарали бошқариш учун давлат бюджети ғазна ҳисобварақлари операцияларини бошқариш жараёнларини ва тартиботларини доимий равишда ривожлантириш бўйича кўпгина амалий ишлар жорий қилинди.*

Давлат бюджетининг касса ижроси келгуси йил учун бюджетни қабул қилишда мажбуриятларни ижро этишнинг муҳим механизми ҳисобланади. Бюджетнинг касса ижроси ҳақида сўзлаётуб, шуни ёдда тутиш лозимки, уни амалга ошириш иккита молиявий жараённи ўз ичига олади: пул тушумлари ва ғазна ҳисобварағидан амалга ошириладиган харажатлар. Давлат бюджети ғазна ҳисобварағидаги операцияларни бошқариш жараёнларини ва тартиботларини ривожлантириш, шунингдек, ягона ғазна ҳисобварағи асосида иш юритиш давлат ғазначилик фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишидир.

Ягона ғазна ҳисобварағи (ЯҒХ) Молия вазирлиги ғазначилик томонидан бошқариладиган маҳсус банк ҳисобварағи бўлиб, ушбу ҳисобварақقا давлат бюджети маблағлари (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағлари) ҳамда бюджет

жет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади<sup>1</sup>.

ЯҒХ дан давлат бюджетидаги маблағларда назарда тутилган ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг харажатлари тўланади, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга оширилади. ЯҒХдан фойдаланиш шароитида ғазначилик органларининг фаолият кўрсатиши давлат бюджети ижросининг сифат жиҳатдан янги ахборот технологияси ҳисобланиб, унда қуйидаги ҳолатлар: давлат бюджети даромадларини ва харажатларини тўлаб беришни ЯҒХда марказлаштириш; турли даражадаги бюджетлар даромадларининг ҳисобини юритиш операцияларини бир варақда марказлаштириш; марказий ғазначилик даражасида давлат бюджети харажатларини амалга ошириш; давлат бюджетининг даромадлари ва ха-

<sup>1</sup> Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш тартиби тўғрисида низом "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2010 йил, 24-25-сон.

жатлари бўйича операцияларни ҳар куни акс эттириш, шунингдек, давлат активлари ва мажбуриятлари ҳисобини юритиш муҳим ўрин тутади<sup>1</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими барча даражаларининг бюджетлари кассанинг ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини ташкил этишининг ягоналиги тамойили асосида ижро этилади<sup>2</sup>, у барча келиб тушувчи даромадлар ва тушумларнинг босқичма-босқич Ягона ғазна ҳисобварағига ўтказилишини, барча кўзда тутилган харажатларнинг Ягона ғазна ҳисобварағидан амалга оширилишини назарда тутади<sup>3</sup>.

ЯFX Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида очилади. Ғазначилик органларига бюджетларни ижро этиш билан бир қаторда бюджет ҳисобварақлари ва бюджет маблағларини бошқариш вазифаси юклатилади.

Давлат бюджетининг пул маблағларини бошқариш – бюджетдан маблағ оловчиларнинг харажатларини ўз вақтида амалга ошириш мақсадида республика ва ҳудудий ғазна ҳисобварақларидаги (ягона ғазна ҳисобварағидаги) ҳамда Молия вазирлиги ғазначилиги валюта ҳисобварақларидаги (миллий ва хорижий валютадаги) пул маблағларини бошқаришдир<sup>4</sup>.

ЯFXга автоматлаштирилган ахборот ва дастурий таъминотга асосланган мукаммал давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини жорий этиш Марказий банк муассасалари, ғазначилик ва солиқ ҳамда тўловларни ийғувчи маъмурий муассасаларни (солиқ, божхона ва бошқ.) реал вақт (онлайн) тартибида ягона ахборот маконида фаолиятини амалга оширилиши орқали ташкил этилади. Бу эса, ўз навбатида, давлат бюджетининг касса (бюджет даромадлари ва харажатлари) ижросини банклардан тўлиқ ғазначилик

<sup>1</sup> Т.Эназаров. "Ғазначилик тизими муносабатлари". – Т: "Фан", 2008.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси "Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида"ги қонунининг 3-моддаси.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси "Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида"ги қонунининг 4-моддаси.

<sup>4</sup> Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш тартиби тўғрисида Низом. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2010 йил, 24-25-сонлар.

органларига ўтказишни, давлат сектори ҳисобини ва бюджет таснифини ҳалқаро андазаларга<sup>5</sup> мувофиқ ҳолда юритишни тақозо этади.

Ўзбекистонда бугунги кунда давлат бюджети ғазна ижросининг қуидаги элементлари, яъни бюджетдан маблағлар оловчилар билан маҳсулот етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатга олиш ва уларнинг харажатлари тўланишининг назорати, республика ва ҳудудий ғазна ҳисобварақларидан харажатларни тўлаб бериш, бюджет муассасалари ва ташкилотларининг ғазначилик органларида очилган ҳисобварақларидаги молиявий жараёнларни амалга ошириш, ҳисобга олиш ва қисман ҳалқаро андазаларга асосланган бюджет таснифи ва давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш элементлари қўлланилмоқда. Шунингдек, электрон дастурлар орқали давлат харидлари кимошди савдоси ҳам йўлга қўйилган.

Ғазначиликнинг ЯFXга ўтилиши ғазначилик технологияларини ривожлантириш борасидаги муҳим вазифалардан бирини ҳал этиш – давлат бюджети маблағлари билан операцияларни тезкор бошқариш тизимини жорий этиш, яъни ЯFX ликвидлигини марказлашган тарзда бошқариш имкониятини берди<sup>6</sup>.

ЯFX ликвидлигини муайян даврда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пул мажбуриятларини ўз вақтида тўлашни амалга ошириш қобилияти сифатида таърифлаш мумкин.

Ликвидлик мураккаб тушунча ҳисобланиб, уни бир кўрсаткич ёрдамида аниқлаб бўлмайди. Ўз навбатида, уни баҳолаш учун динамикада ўрганиладиган коэффициентлар тизимидан фойдаланиш лозим. Ушбу мақсадлар учун бир лаҳзали, жорий, узоқ муддатли ликвидликдан фойдаланиш тақлиф этилади, чунки улар касса тушумлари ва чиқимларининг муддатлари билан боғлиқликдаги активлар билан бюджет мажбуриятлари ўртасидаги мувозанатлашганлик-

<sup>5</sup> Ҳалқаро валюта фонди томонидан ишлаб чиқилган давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма, Ҳалқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан ишлаб чиқилган давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро андазалари, ХВФ, 2001.

<sup>6</sup> Дроздов О.И. Размещение бюджетных средств на банковских депозитах // "Бюджет", 2009 г., № 2.

ни талаб қилувчи ликвидликнинг иқтисодий мөхиятига асосланган.

ЯФХ да турган бюджет маблағлари суммасининг унинг ушбу муайян вақтда тўланиши лозим бўлган мажбуриятларига нисбати сифатида ҳисоблаб чиқиладиган бир лаҳзали ликвидлик кўрсаткичи давлат бюджетининг маълум даврдаги юқори ликвидли маблағларининг айни пайтда талаб этилиши мумкин бўлган мажбуриятларга нисбатан заҳирасини тавсифлайди.

Жорий ликвидлик кўрсаткичи ЯФХда ҳисобга олинадиган бюджет тушумлари маблағлари бир ойлик умумий ҳажми суммасининг давлат бюджетининг маълум бир муддат мобайнида молияланиши лозим бўлган мажбуриятларининг пул эквивалентига нисбати сифатида ҳисоблаб чиқилади. Жорий ликвидлик кўрсаткичи маблағлар ЯФХда яқин бир ой ичидаги қанчалик мувозанатлашганигини, қисқа муддатли истиқбол учун касса тушумлари ва чиқимларининг таркиби ва ҳажми қанчалик оқилона режалаштирилганини кўрсатади.

Узоқ муддатли ликвидлик кўрсаткичи узоқ муддатларга (бир йилдан кўпга) режалаштирилаётган бюджет тушумлари билан давлат бюджетининг тегишли прогноз қилинаётган оммавий-ҳуқуқий ва фуқаролик-ҳуқуқий харжат мажбуриятларини тўлаш имконияти ўртасидаги нисбатни акс эттиради.

Ушбу кўрсаткичлар тизимини динамикада ўрганиш энг муҳим халқ ҳўжалиги вазифасини ҳал этиш – барча бюджет мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ижро этиш учун ЯФХнинг ҳолатини таҳлил қилиш жараёнини янада тизимли тарзда амалга ошириш имконини беради.

Касса тушумлари ва чиқимларининг нисбатига қараб, ЯФХнинг муайян вақтдаги тўлов қобилияти ҳолати пул маблағларининг етиш-маслиги билан ҳам, унинг шартли ортиқча бюджет маблағлари билан тўлдириб турилиши билан ҳам тавсифланиши мумкин.

Пул маблағлари етишмаган ҳолларда вақтинчалик кассавий узилиш ҳолати юзага келиб, уни бартараф этиш учун, одатда жаҳон амалиётида молиявий институтлардан қарз ресурслар жалб этилади.

ЯФХда шартли ортиқча пул маблағлари мавжуд бўлган тақдирда қисқа муддат-

ли истиқболда давлат бюджетига касса тушумларининг муддатлари ва ҳажмларидағи фарқлар, шунингдек, ушбу маблағлар ҳисобидан касса тўловларининг амалга оширилиши оқибатида вақтинча бўш турган пул маблағлари ҳосил бўлади.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси "Давлат бюджети ғазна ижроси тўғрисида"ги қонунининг 14-моддасига биноан, Ғазначилик Марказий Банк муассасаларида давлат бюджет маблағларини депозитларга жойлаштирган ҳолда ЯФХнинг ликвидлигини таъминлаш ва бошқариш имкониятига эга бўлиши мумкин. Бунинг учун ЯФХ ликвидлигини бошқаришга нисбатан асосий ёндашувлар шакллантирилиб, уларга мувофиқ Давлат бюджет маблағларининг қолдиқларини жойлаштириш йўналишлари бўйича устувор йўналишлар белгиланади. Жумладан, ушбу маблағларнинг, биринчи наебатда, давлат бюджетининг қарз мажбуриятларини қисқартиришга йўналтирилиши, агар объектив ҳолатларга кўра бюджетнинг қарз мажбуриятларини қисқартириш имконияти ёки бунга зарурат бўлмаса, унинг қолган қисмини белгиланган мезонлар бўйича ва тегишли танлов асосида танлаб олинган кредит ташкилотлари билан депозит шартномаларини тузиш орқали ликвидли активларга йўналтирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда вақтинча бўш турган бюджет маблағларининг банк депозитлари кўринишида республика молия бозорида жойлаштирилиши ҳисобига қўшимча даромадлар келиб тушади.

Айни пайтда, ЯФХнинг шаклланишига ва унинг самарали фаолият кўрсатишига катта таъсир кўрсатувчи бир қатор муҳим омилларни ҳам кўрсатиб ўтиш лозим.

ЯФХда ҳисобга олинган бюджет маблағларининг ички заҳираларини топиш ва сафарбар этиш, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фонdlар даромадларини ҳисобга олиш ва жамлаш операциялари-га, шу билан бир қаторда, биринчи наебатда, давлат сектори ҳўжалик субъектлари, кейинчалик ҳусусий ҳўжалик субъектларига ҳам ЯФХ орқали хизмат кўрсатилишига босқичмабосқич ўтишни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳар куни амалга ошириладиган бюджет характератлари операцияларини ниҳоясига етка-зишда ғазначилик марказий ва ҳудудий органларининг ҳисобварақларини “нолга келтириш” жараёнини амалга ошириш ҳам ЯФХ маблағларини тўлдиришнинг муҳим заҳираси ҳисобланниб, унинг автоматлаштирилган ахборот дастурини амалиётга киргизиш ҳозирги кунда муҳим вазифа ҳисобланади. Бугунги кунда ғазначиликнинг ЯФХ (рақами) очилмаган. Бу эса, ўз навбатида, Марказий Банк муассасалари томонидан маблағларнинг ўз вақтида давлат бюджетига келиб тушмаслигини юзага келтиради ва пул маблағларини тезкор самарали бошқарish имкониятини бермайди. Шунинг учун ҳам вилоятлар Марказий Банк ҳудудий муассасаларининг тегишли ҳисобварақларини автоматлаштирилган тарзда сальдолаштириш тизимига ўтиш ва тўғридан тўғри ғазна ҳисобварағига ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Шунга ўхаш тизимлар бир қатор хорижий мамлакатларда, хусусан, Германияда муваффақият билан қўлланилмоқда. Германия Федератив Республикасида у «CASH CONCENTRATIONS» деб номланади<sup>1</sup>. Ўзбекистонда бундай технологиянинг жорий этилиши ЯФХ даги ҳар кунлик маблағлар қолдиқларини тўлдирган бўлар эди. Молия вазирлиги Ахборот ҳисоблаш марказидаги “Ахборотни қайта ишлаш корпоратив ахборот тизими” ҳозирча бундай имкониятни бермайди.

Давлат бюджетидан маблағ оловчи давлат сектори хўжалик субъектларининг бюджетдан ташқари маблағлари ва уларнинг вақтинчалик тасарруфида бўлган маблағларнинг ягона ғазна ҳисобварақларидаги қолдиқларни ҳар кунлик “кўтариш” технологиясининг жорий этилиши ЯФХнинг ресурс базасини компенсация асосида тўлдириш ишларининг яна бир йўналишига айланиши мумкин. Ушбу ҳисобварақлардан ҳар бирининг ЯФХ режимида фаолият кўрсатиши “касса узилишлари” давларида ЯФХни мустаҳкамлашни амалга ошириш имконини беради. Мазкур ҳолатда давлат бюджетининг мувозанатлашганлигиги таъминлаш мақсадида фоизсиз қисқа муд-

датли қарзларнинг қўшимча заҳираси шакллантирилиши мумкин.

Бюджет маблағларининг айланувчанилигини ошириш ЯФХнинг фаолият кўрсатиш санарадорлигига таъсир этувчи муҳим элемент ҳисобланади. Ушбу жараёнда Марказий Банк ва ғазначилик ҳисоб-тўлов тизимининг ягона дастурлаштирилган ахборот маконида бўлиши муҳим роль ўйнайди. Унинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1) Марказий Банк ва ғазначилик боғламида «электрон» тўловлар тизимини ривожлантириш. Бизнингча, Ўзбекистон ғазначилигини Марказий банк вилоятлараро ҳисоб-китобларининганча прогрессив модели – банк электрон тўловлари тизимига ўтказиш муҳим ҳисобланади. Бу, бир томондан, вилоятлараро муддатли ҳисоб-китобларнинг юқори санарадорлигини ва ишончлилигини, иккинчи томондан, ғазначилик маблағларининг айланнишини тезлаштирган ҳолда давлат бюджети ҳисобидан тўловларни амалга ошириш тезкорлигининг ошишига олиб келади;

2) Ғазначилик ва бюджетдан маблағ оловчиilarнинг ахборот алмашиш борасидаги ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш. Мазкур жараённинг жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

– Ғазначилик ва бюджетдан маблағ оловчиilarнинг ўртасида ахборот алмашувининг “қоғозсиз” тизимини амалга оширишга имкон беради. Бу – бюджетдан маблағ оловчиilarнинг бюджет маълумотларини тақдим этиш ва бир операция куни мобайнida ғазначилик, бюджетдан маблағ оловчиilar ҳамда учинчи шахсларнинг молиявий жараёнларини амалга оширишdir;

– шунингдек, бюджетдан маблағ оловчиilar ўртасида “электрон ҳужжат айланиши” тизимини жорий этиш. Ушбу ишнинг энг муҳим жиҳатлари қуйидагилардан иборат: бюджет мажбуриятларини тўлаш ва тегишли кўчирмаларни олиш учун ҳужжатларни электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда «электрон» алоқа тармоқлари орқали узатиш; бюджет кўрсаткичларини етказиш; бюджет маблағлари ҳисобидан тўловларга «электрон» рухсат этиш (“сканерланган нусхалар”, яъни дастлабки ҳужжатларнинг тегишли тўловни амалга ошириш учун асос бўлиб хиз-

<sup>1</sup> Дроздов О.И. Размещение бюджетных средств на банковских депозитах // "Бюджет", 2009 г., № 2.

мат қилувчи сканерланган намуналари асосида); бюджет муассасалари томонидан корпоратив пластик карталар орқали нақд пул маблағларининг олиниши технологияларини ривожлантириш ва ҳ.к.<sup>1</sup>

ЯФХ ликвидлигини фаол бошқариш технологияси ҳам такомиллаштирилишни талаб қиласди. Давлат бюджети пул маблағларининг ҳаракатини ишончли, ўз вақтида ва тўлиқ кассавий прогноз қилиш ахборот дастурини жорий этиш ушбу жараённинг энг муҳим воситаси ҳисобланади.

ЯФХ ликвидлигини кассавий режалаштириш ва моделлаштириш технологиясининг ахборот дастури мазкур жараённинг оптималь модели бўлиши мумкин.

Бизнингча, моделнинг самарали фаолият кўрсатиши юқорида баён этилган технологик ва ташкилий инновацияларнинг жорий этилиши билан биргаликда, бюджет пул маблағларининг ҳаракатини кассавий режалаштиришнинг ишончлилиги-

ни, ўз вақтидалигини сезиларли даражада ошириш, бюджет касса ижросининг транспарентлик даражасини кучайтириш имконини берган ҳолда, ЯФХнинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан қўшимча фоиз даромадлари олишига кўмаклашади ва, пировардида, давлат бошқаруви секторида молиявий менежментнинг сифати ва самарадорлигини ошириш учун замин ҳозирлайди.

Давлат бюджети доирасида кассанинг яхши бошқарилиши ликвидликни бошқаришнинг банк тизимини яхшилаши мумкин. Бу қарз бўйича менежерлар билан пул-кредит сиёсати учун масъул шахслар ўртасида тўлақонли мулоқотни йўлга қўйиш учун муҳимдир. Ғазначилик ўз омонатларида ёки ўзининг маблағ жалб қилиш фаолиятида кескин ўзгаришларни амалга оширган ҳолда банк тизимининг ликвидлиги бузилишининг имкониятини бермайди.

### Адабиёт:

1. Акперов И.Г. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. – М.: "КноРус", 2009.
2. Тишина Т.И. О механизме централизации средств на едином счете бюджета // "Финансы", 2013 г., № 5..
3. Дроздов О.И. Размещение бюджетных средств на банковских депозитах // "Бюджет", 2009 г., № 2..
4. Об утверждении Порядка управления операциями со средствами на едином счете федерального бюджета: приказ Федерального казначейства от 14.09.2009, № 210.
5. Прокофьев С. Е. Кассовое обслуживание расходной части федерального бюджета: состояние и перспективы. Официальный Интернет сайт. <http://www.roskazna.ru>.
6. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида"ги қонуни.
7. Эшназаров Т. "Ғазначилик тизими муносабатлари". – Т.: "Фан", 2008.
8. Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш тартиби тўғрисида Низом. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2010 йил, 24-25-сон.
9. Халқаро валюта фонди томонидан ишлаб чиқилган Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма. Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан ишлаб чиқилган Давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро андалари. ХВФ, 2001.

<sup>1</sup> Акперов И.Г. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. – М.: "КноРус", 2009. 1